O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI OLOT TUMANI HOKIMINING QARORI

Buxoro viloyati, Olot tumani, Olot ko’chasi, 73-uy. Tel: (365) 34-22-114, faks: (365) 34-22-539

2022 - yil 19 - oktabr 353-2-31-Q/22 Olot tuman hokimligi

Дафн этиш жойларини сақлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси, “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2011 йил 4 апрелдаги 101-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманда дафн этиш жойларини сақлаш қоидалари (кейинги ўринларда – қоидалар) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимлиги бир ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2011 йил 4 апрелдаги 101-сонли қарорига мувофиқ дафн этиш жойларини сақлаш қоидаларини ишлаб чиқиб тасдиқласин.

3. Туман Қурилиш бўлими (З.Қаххаров), туман давлат санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими (Ш.Тошев), туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси (М.Эгамов), туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси (У.Қуллиев):

қоидаларнинг тегишли қабристонларда бир хилда ижро этилиши;

қоидаларда белгиланган нормалар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) билан биргаликда доимий тарғиб қилиб борилиши

таъминлансин.

4. Мазкур қарор “Олот ҳаёти” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Ҳамраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Нематова**